



---

**O'ZBEKISTON  
MILLIY  
UNIVERSITETI**

---

**XABARLARI**

---

**IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR  
YO'NALISHI**



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА НУУЗ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН

2022  
1/3/1

Ижтимоий-  
гуманитар  
фенлар  
туркуми

Бош мұхаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош мұхаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Тахрир ҳайъати:

Сагдулаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Балниева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мұмінов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Малаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Түйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тұнтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сидникова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арутсамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: З. МАЖИД

ТОШКЕНТ – 2022

Санчук Д. Учет биологических особенностей бегунов на короткие дистанции при индивидуализации тренировочного процесса .....	158
Сойинов Ж. Физикага ихтисослашган мактаб ўкувчиларида баҳолашга оид масалалар ёрдамида тадқиқотчилик кўнкимларини шакллантириш .....	161
Suvonova О. Механика bo'limi mavzularini o'qitishda pedagogik dasturiy vositalardan foydalinish usullari .....	164
Усманов М. Мифологизациянинг кундалик онгда намоён бўлиши .....	168
Файзуллаева З. Ўрта Осиё ҳалқлари миллий кадрияларининг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни .....	172
Fozilova M. The importance of using interactive methods in teaching english to students of architectural universities .....	176
Xalimova M. Tadbirkorlik psixologiyasini rivojlantirishining zamonalaviy tendentsiyalari .....	180
Шопулатов А. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт муассасалари фаoliyatini ilmij-metodik taъminlash iishlarini takomillashtirishi .....	183
Yusufaliyeva A. Oilaviy shiosabatlarda bolalarning o'z-o'zimi anglashi .....	187
Якубов С. Ички ишлар тизими ходимларida шахслараро муносабатлар шаклланишининг психологик асослари .....	192
<b>Филология</b>	
Abjalova M. Sinkretizm – lingvistik hodisa sifatida .....	195
Абдувахабова М. Оғзаки ва ёзма фольклор дискурси тафовутида дейтик воситаларнинг макоми .....	199
Amanbayeva D. A sense of duty as a specific linguistic concept .....	202
Амиррова З. Концептнинг лингвокультурологиядаги базавий категорияларидан бири сифатида .....	207
Aхmedova M. Miшitoz adabiyotlarda "ma'naviyat" tushunchasining talqini .....	211
Bahridinova M. Bolalarga nemis tilimi o'tgatishda aytim muhim tavsiyalar .....	214
Dadaboyeva G. Stylistic function of medical terminologies in literary works .....	218
Ёлғоров Ш. Куръони Каримда учрайдиган эмбриология соҳасига оид терминларнинг семантик таҳлили (Канадалик эмбриолог Кейс Леон Муурнинг тадқиқотчилиги) .....	221
Jo'traueva B., Tosheva D., Ubaydova N. O'zbek xalq maqollarida kontekstual antonimlar .....	225
Икрамова А. Шеврий драмада синкетицилк хусусиятнинг намоён бўлиши .....	229
Islomov J. Erkin A'zamning "Tano qayiq" dramasida xarakterlar tablibi .....	232
Ингиталиева З. Тил модал структурасининг замонавий талкини .....	234
Ким О., Мухитдинова Н. Выбор героя и особенности конфликта в социально-психологической драме 1930-х годов .....	238
Mirzanov B. Nemis tilida intralingvistik omillar asosida voqelangan ikkilamchi nomlashlar .....	242
Муқимова Г. Ҳалқ оғзаки ижодида олманинг кўчма маънолари лингвопоэтикаси .....	245
Мустофақулова М. Инглиз тилидан ўзбек тилига таржимада "sly" яъни "айёр, маккор" сифатининг коннотация маъносида ижоби, нейтрал ва салбий маъноларда ифодаланиши .....	248
Nizomova M. Ingлиз va o'zbek tillarida integratsiya sharoitiya pedagogik terminologiya, ta'limdagisi jarayonlar va pedagogika fanida atamalarini rivojlantirishning yetakchi tendentsiyalari .....	251
Nurova Y. O'zbek xalq paremalarining lingvistik tadqiqi .....	255
Орипов Д. Ўғузҳон: жаҳонгирми ёхуд эпик қаҳрамон?!	258
Раджабова Х. Ҳафғиз туримни таъминлаш бўлинмалари фаoliyatida fойдаланиладиган юридик ва туризмга оид атамаларнинг тизимли таҳлили .....	262
Ruzieva M. Biological feature of the human linguistic system .....	267
Садикова Д. Муслиҳабегим Мискин сокийномаларининг ўзига хос хусусиятлари .....	270
Sanakulov J. Globallashuv jarayonida multimadaniyat va til munosabatlari .....	273
Turgunova R. Methodological basis of writing as a complex process .....	276
Urishov A. Developing pair-work interaction in CLT classes .....	279
Усманова М. Алишер Навоий асрлари тилида маданий экин номларининг семантик-услубий хусусиятлари .....	282
Xakimova N. 5-sinf o'quvchilarida o'qib tushunish ko'nikmasini aniqlashning tajribaviy tadqiqi .....	285
Ҳасанов А. Инсонга хос хусусиятлар, харакатлар ва ижтимоий муносабатларни ифодаловчи сўзларнинг адабий тилини бойитиш имкониятлари .....	289
Шомирзаев М. Мактаб ўкувчиларини ҳалқ, хунармандчилигига ўргатишида инновацион таълим методларидан фойдаланиши .....	293
Эгамбердиев Ф. О лингвистических характеристиках имен прилагательных и слов категории состояния в английском и узбекском языках .....	297
Eshquvvatov U. Bo'lajak muhandislarni o'qitishda axborot-kommunikatsion texnologiyalarning o'tni .....	301



Дилором САДИКОВА,  
БўлдиУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўчитувчиси  
E-mail: erkai12004@mail.ru

Филология фанлари доктори, доцент Х.П. Эшонкулов тақризи остида

МУСЛИХАБЕГИМ МИСКИН СОҚИЙНОМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Маколада бухоролик зулусонийн шоира Муслихабегим Мискиннинг сокийномалари таҳлили, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шу билан бирга, ўзбек адабиётида сокийнома жанри тадқиқида ўзининг муносаб хиссасини кўшган адабиётчунос олимлар кусусида ҳам фикр юритилади.

Калин сўзлар: Соқий, гул, тюльпан, мир, любовь, любовник, просветительское значение, кора, май, ислам, Мухаммад расулуллоҳ.

CHARACTERISTICS OF MUSLIHABEGIM MISKIN'S SOKIYNOMAS

Annotation

The article analyzes the memoirs of the Bukhara poetess Muslihabegim Miskin, their peculiarities, as well as literary scholars who have made a worthy contribution to the study of the genre of memoirs in Uzbek and Turkish literature.

Key words: Saqi, gul, tulip, world, love, lover, enlightenment meaning, rind, may, Islam, Muhammad sallallahu alayhi wa salam.

ХАРАКТЕРИСТИКА СОҚИЙНОМА МУСЛИХАБЕГИМА МИСКИНА

Аннотация

В статье анализируются мемуары бухарской поэтессы Муслихабегим Мискин, их особенности, а также литературоведы, внесшие достойный вклад в изучение жанра мемуаров в узбекской и турецкой литературе.

Ключевые слова: Соқий, гуль, тюльпан, мир, любовь, любовник, просветительское значение, кора, май, ислам, Мухаммад.

Кириш. Муслихабегим Бухоро адабий мухитининг аёл ижодкорларидан бири бўлиб, шоира Мискин таҳаллуси билан калам тебратни. ўз ижод намуналарини ўзбек ва тоҷик тилларida балини акс этиришга урингани соҳибдевон шоирлариди. XIX асрнинг иккичи ярми XX аср бошлариди Бухоро адабий миҳитиди Муслихабегим Мискинде зулусонийн шоиранинг учраши ноёб адабий-эстетик кодиси саналади.

Муслихабегим Мискин ўзи яшаган даврға қадар мусулмон минтаҳа ҳалқлари адабиётидаги мавзуд бўлған аныъналарни терав ўрганишга баҳолу курдат сўйи-харқат кўрсатган ижодкорлариди. Унинг девонлариди ўзбек ва тоҷик тиллариди ижод этилган раззал, рубоби соқийнома, фард, маснавий мұхаммас, мұсадас, мұстасиб, мұашшар, мұстазод сингари наизм намуналарининг утраши мұалифининг ижод сирлари билан ошно бўлышга қартилган жиҳду жаҳдиднинг самараси саналади. Айни чоқда сакхиздан ортиқ шеърий ҳикоят ҳамда иқкита насрин ҳикоятни маснавийда битганлиги шоира истеъодидининг яна бир муҳим кирраси сифатиди наимоён бўлади.<sup>4</sup>

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мискин лирик турнинг соқийнома жанрида ҳам ижод этган истеъодиди шоира саналади. Гарчи Муслихабегим соқийномалари девоннинг салмоқлиқ қисмини ташкил этамас-да, улардаги мавзулар шоиранинг бошқа жанрдаги асарлари мазмуни билан ҳамоҳанг. Мискин соқийномалари билан танишар экланни, унинг соқийнома ёзини конун-концалари ва усулларини маҳорат билан

<sup>4</sup> Эшонкулов Х., Содиков Д. Муслихабегим Мискин. – Бўхоро. 2012. 17-6.

ўзлаштирган шоира эканлигига яна бир карра гувоҳ бўламиш.

Соқийнома ўзбек мумтоз адабиётидаги шеърий шакллардан бири бўлиб, у одатда соқийға мурожжат билан бошланади. Соқийнома жанридаги шеърлар XV асрдан кейин ҳам шеърятимизнинг ҳаётга жуда яхин ва жонни намуналарини тасмил этган. Адабиётчунов М.Асадов тадқиқотида соқийноманинг маснавий шаклларни ташҳариғазал-соқийнома, мұсадас-соқийнома, рубоби-соқийнома, таржевъанд соқийнома шаклларда битилган намуналари бошлиги эътироф этилади<sup>5</sup>.

Туркий адабиётта соқийнома жанри Навоий ижоди билан бирга кириб келди. "Фавоийл үл-қибар" девонидаги кичик достонга киеслиш мұмкін бўлған соқийнома қажман 458 байдан иборат бўлиб, Навоий яшаган даврдаги тарихий шахслар, давр мұыммалари, энг аввало. Навоий шаҳси билан боғлиқ бўлған массалаларни ўзида акс этирирдандилигидан билан ҳам аҳамиятилдири<sup>6</sup>.

Ўзбек адабиётчунослариди А.Қазомов, А.Хайитметов, Р.Орибеков, Ф.Набиев, Е.Искоков, И.Ҳаккуловларнинг ишлариди соқийнома жанри халида баҳс юритилган<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётидаги соқийнома (генезиси, тараққиёт боскличлари, поэтик хусусиятлари). Филология фанлари д-ри... дисс.-Тошкент, 2020.

<sup>6</sup> Ҳаккул И. Соқийнома. Ҳаёт ва шодлик манзумаси.

<https://kh-davton.uz/kunubxona/>.

<sup>7</sup> Қаюмов А. Дилкушо тақоррлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Шерқ, 2014. 272 б.

**Таджикот методологияси.** Таджикот мавзусини ёритнила таснифлаш, таснифлаш, тарихий-кўёсий, шарҳлаш усусларидан фойдаланингган. Муслихабегимнинг 1972 ва 1962-рекамили девонларида 25 таджик, 1277-рекамили девонида эса 26 та сокийномона маънуд. Учала девонда келтирилган сокийномалар бир хил. Фазолтини шоирининг 1277-рекамили девонида бошча девонлар тарафидан учрамайдиган битта сокийномона берилилган.

Биз таджикини амалга ошираётган шоира Мискин сокийномалари форс-тохик тилида, маснавий усулида ёзилган бўлиб, жами 104 мисрадан иборат. М.Асадов маснавий шаклида биттилган сокийномаларда ижтимоий оҳанглар, замон ва иқодкор қисмати, хасб ёзмасуни, шунингдек аҳлоқий-тъчиликӣ масалалар бошча шеърий шаклларда яраттилган мазкур жиҳоз намуналарига нисбатан етакчи мавзея занданини эътироф этиди<sup>8</sup>. Турк олими Р.Ганимовни сокийномага берган таърифи эса Муслихабегим Мискиннинг шундай жаҳонда ёзилган наам намуналарига ниҳоятда мувоғифик тушади. Жумладан, у “Турк адабиётидаги сокийномалар ва ширратномалар” китобидаги сокийномони кўйидагича таърифайди: “Сокийнома – шоирининг сокийга хитоби или умранинг фонийлиги, дунёнинг ўтикличлигини хотирлатмок, панду насиҳат, хикмат мазмунидаги ва мутакориб баҳрида ёзиладиган маснавий шеър “шир”.

Мискин сокийномалари ҳам арузининг мутакориби мусаммалини маҳауз вазнида ёзилган бўлиб, уларни асосан мавзусига кўра кўнидагича таснифлаш мумкин:

1. Тоът-ибодат ҳақидаги сокийномалар
2. Оллоҳдан, пирлардан марҳамат тилаш, унинг лутфидан умидворлик ҳақидаги сокийномалар
3. Умранинг ўтикличлиги қусусидаги сокийномалар
4. Илоҳий ишқи васифига бағишланган сокийномалар
- Муслихабегим Мискин девонида Оллоҳдан, пирлардан марҳамат тилаш, унинг лутфига умидворлик мазмунидаги сокийномалар ҳақима кўпроқ бўлиб, асосан уларда умранинг ўтикличлиги, ҳар дақика, ҳар лахзандиги ганиматлиги, Оллоҳ ва пайғамбаримиз Мухаммад расулуллоҳингин шаффоатларидан умидвор бўлиш позимлиги таъкидлаб ўтилади:

Биё сокий, беѓузар эн ҳою ҳавас.  
Бувад ин чаҳон ошиконро кафас.  
Дили ҳуд макун монил ин чаҳон.  
Ки рафтанд аз ин чо ҳамма ошикон<sup>10</sup>.

Шоира наэлида, бу дунё барча ошиклар учун кафас. Шу боғис унга кўнгиз боялиш, у билан боғлиқ орзу-хавасларига берилашдан воз кечиш керак. Муслихабегим ўкувчини бу жаҳонга кўнгиз бермасликка ундаркан, фикрини далиллаш учун бу ердан барча ошикларининг ўтиб кетганинни мисол килиб келтиради.

**Тахлил ва натижалар.** Шоирининг сокийномаларидан ина биро Оллоҳдан марҳамат тилаш, унинг лутфига умидворлик мавзусида биттилган:

Биё сокий, ҳожати ҳудро бекоҳ  
Ки бар холи мо он худованд гувоҳ.

<sup>8</sup> Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётидаги сокийнома (генезиси, тараққиёт босқичлари, поэтик ҳусусиятлари). Филологик фанлари д-ри. дисс.-Тошкент, 2020.

<sup>9</sup> Сашим R. Türk edebiyatında sakinnameleler ve iżratnameleler.– Ankara: Akçağ узунчалан, 1998. – S.10.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райони Беруний номидаги кўлнамалар фонди. Инв.1972.(Бундан кейин шоира девонларига мурожаат этилганда кас ичиди инвентарь раками ҳамда варарини курсатиш билан кифояланамиз – Д.С.)

Худованд кунад раҳмат ин оснён.  
Давомат бар даргоҳи ў кун фифон. [1972: 120a варак]

Муслихабегим Мискиннинг таъбирича, Оллоҳ унга ва у ҳаби гуноҳкор инсонларга, албатта, раҳм қиласди, аммо, бу марҳаматга эришини учун одамлар мудом “фигон” чекишилари керак. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жонизи, шоирининг ахсар ижодий намуналарида келтирилган “фигон”, “оқ”, “нола” каби китоблар айнан шунчалик гуноҳкор банданинг итилоҳи қилини позимлигини ифодалаш учун эмас, балки гуноҳларни юниш таът-ибодат килини шартлиги юзасидан ҳам тасвиф этилганлигини аниглаш мумкин будади.

Шоира бу жаҳордаги асанларидаги сокийга мурожаат қилинган замрида калди Аллоҳ ишқи билан лиҳомо-дим тўлиш оруслидаги лирик ҳаҳрамон колатидан ифодалайди. Бу ишқ унга Оллоҳнинг мавриғати билан ошно бўлшини кунглига олиб киради. Муслихабегим Мискин қалебга кирди келиши наэзарда тутилган Оллоҳ мавриғатини жидду жаҳди билан ибодат килинча, нағси аммаронинг алдовларига кўнгил болгасликка деб билади.

Мискин сокийномаларидаги айни ҳолат Аҳмад Яссавий ҳикматларини хотирга келтиради:

Худованд, мени соглип ўз пўлингга.

Нағс илтида ҳароб, адо бўлдум мано<sup>11</sup>.

Аҳмад Яссавий ҳам шоира Мискин сингари “нағс илти”дан кутумлок, атрофда тўлиб-тошган фиску фужурларга барҳам бермоқнинг йўлини излайди. Шунинг учун ҳам Аҳмад Яссавий “Оллоҳ дедим, шайтон мендан йирок юзди, ҳою ҳавас, моумонлик турмай кўчди...” деб бежизга ийтмаган.

Шоира Мискиннинг “Биё сокий, инчо тараф...” мисраси билан бошланадиган сокийномаси ҳам юкоридаги мавзунинг силсилавий давомини ўзида мужассамлаштирган:

Биё сокий, ин чо тараф соз кун.

Ки зиҳри худованд оғоз кун.

Ки зиҳри худо роҳати чон бувад.

Даруни лаҳад нури иймон бувад [1972:120a варак]

Моҳиян марказидан Оллоҳни зиҳр этиш масаласи устувор этиб билдилашди ва шоира мазкур амалларни бўлжарниб. Оллоҳни мудом ёдга олиш, пайти келиб, инсон вафот этилгандан унинг амалга оширган зиҳрлари кабрини зулматидан асрарини, шу билан бирга, иймон нури билан ўтилдишингни ифода этиди.

Мискин сокийномаларидаги инсонларнинг гуноҳкор ва ҷораси заланигини айттиб, парваридгорининг ҳикматига, марҳаматига мухтоҷлигигини кайта-кайта таъкидлардан тўхтамайди. Эътиборли жиҳати шундаки, шоира буни ранг-баранг сатрларда мөхирона амалга оширади.

Шоира сокийномалариниң аксариятида Оллоҳ Таолони ваф этиларан, уни Исломда наэзарда тутилган тўхсан тўхизида номларидан айримларига ҳам мурожаат қиласди. Жумладан, “Биё сокий, номаш Faфуру Раҳим...” мисраси билан бошланувчи сокийномасидаги гуноҳкор бандалар Оллоҳнинг лутфидан ноумид бўлмаслигини бадинилаштиради:

Биё сокий, номаш Faфуру Раҳим,

Кунад ях наэзар ҳоли моро Каrim,

Зи лутфаш наэзар созад ў ҳоли мо.

Тараҳхум кунад бар алҳомди мон [1972:120a варак]. Тангрининг бундай номлари тилга олинганди, лирик ҳаҳрамон ўзини гуноҳкорлар сафига киритиб, маломат килиди.

<sup>11</sup> Аҳмад Яссавий Ҳикматлар.-Тошкент. F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти. 1991.8-6.

Олдохнинг Ғафур ва Раҳим сингари номлари мавжудлигини сокийга мурожаат билан ифодалар экан. унинг гунонларни кечирудиши, раҳмидил ва меҳрибонлигидан умидворлигини ифодадиди.

Олдохнинг Карим, яъни сакиин ва саковатли манъоларни англатувчи номи эса ўзи сингари осийлар холига назар килинига муҳтожлигини балдийлаштириш имконини беради. Негаки, лирик қадраронинги колидан ҳабар олиш учун саковатли бўлмоқ никоатда муҳим саналади. Шундай улуғот лирик қадрарон ва унинг сафдошларига назар килиши, тараҳкум – раҳм килишидан умидворлик сокийнома багрига сингтирилади.

Мискиннинг умр ўткинчлигига балий талканинига багишланган Мухаммад расулупдоҳ образларига мурожаат килинганлариги билан аҳамиятлайди:

Бие сокий, рафтанди ҳама ал чаҳон.  
Ки ҳама олимон ҳама соликон.  
Кани он шоҳ Мухаммад кучост!?

Ки сардори чумла Ахмад кучост?! [1972:120a варах]

Шоира сокийга мурожаат этган ушбу маснавийида жаҳон-дуёниниг пайғомбар ҳадисларидан ифодаланганнидек, бир работ эканлигини назарда туради ва ҳамма буддан вакти-соти билан ўтиб кетиниша ишора килади. Бу дунён олимлар ва солискларнинг ўтиб кетган балий ифодаси шевронини сергаклантиради.

Ихкинчи блайдиги шоҳ Мухаммад ва жумла олам сардори Ахмаднинг кеърдлигини тажоҳули ориғин балий сантига таълиғлан хотатда сўралини ўқувчилиги хиссий тъясир кучини янада оширади. Табиини, бу хиссий тъасир ўтиқодий карашлар замнирида шаклантирилганини боис унинг курдати янада кучлор намоён бўлади.

Бие сокий, мардони Ҳак рафтанд.  
Аз иш ҷо ҳизиҳи сафар бастанд.

Бедидан(д) ҳаҷон ҳаҷт кўхна работ.  
Берафтан(д) аз иш ҷо ҳама қард бод. [1972:123a варах]

Шоира дунёнинг вафосиалигини, унинг кўхна работга ўшашлигини "мардони Ҳак" образига мурожаат этиши билан ҳам юкорилаги сокийномада куатлигандек, тъасирчан, балий ифодалайди.

Адаб Ахмад Юғнажий ҳам "Ҳибатул ҳақойик" асарида дунёни бир кўниб, ишни кетиладиган работга ўхшатади: "Бу дунё тушниб кўчгуник работоди,

работа тушувчи кўчиши учун тушили".<sup>12</sup>

Мунтоз адабиётда кратилган аксарият сокийномларда тоғт, баҳор фасли ва гузорини таърифи тавсифлаш оркали ҳаёт шодиллари, табият гўзаллиятини мадд этиши, умрнинг ҳар бир лахзасиниғанимат билди, уни ёшуда курримлика ўтказиш мазмунлари ифода этилади.<sup>13</sup>

Мислихабегимнинг "Бие сокий, вакти гулу лолазор." мисраси билан бошланувчи сокийномадасида ҳам шундай маздун ўзининг балий ифодасини топган:

Бие сокий, вакти гулу лолазор.  
Безинем гуле дар фасли баҳор.

Ганимат гурад ин гулу гулистон.  
расад оқимбут гулистоноро ҳазов [1972:120a варах]

Ижодкорнинг ҳаётдан завъланниш, умрнинг ўткинчлигиги хусусидаги сокийномасида айни баҳор чоғи, гулу лолазорларни көзлайдиган давр эканлиги ўтироф этилиб, ҳазон чоғи ҳам мукаррарлиги таъкидланган.

Хусусан, шоира мазкур сокийномада ёшлик давридан узумли фойдаланиши заруратини, ганимат дамларда фурслатни кўлдан бой бермаслигини, эзгу амаллар килишинадан чарчамаслигини, зеро, эртага кексалик даврида, умр поёнига етганнада барча амаллар сархисоб килиниши утириратан.

Мислихабегим Мискиннинг "Бие сокий, омад ки никоми гул...".. ҳамда "Бие сокий, омад ки вакти ҳазон..." мисралари билан бошланувчи сокийномалари мазмунан бир-бiri билан ҳамоҳанг бўллиб, ҳар кандай лолазор (ёшлик, шикоят даври) ҳам, алалхусус, яхон бўлишини, шундай экан, таъвуда бордвошлини саклаб колиш бинда фойдасига хизмат килиши айтилган.

Шуну алоҳида таъкидлаш жоизи, сокийга мурожаат оркали ўқувчининг дикхатини ифодаланаётган фикрга жалб килиш, риторик хитоб ёки нисо саннати воситасида ўқувчига эстетик тъасир кўрсатиш сокийнома жанри композициясида ниҳоҳиди муҳим аҳамияттаги эга. Сокийномаларда сокийга хитоблар ўқувчини ижодкорнинг руҳий-мальянавий олами, фикрлар дунёси, у ўтибор қарратига бир катор аҳлоқий, фалсафий, ижтимоий, шеъсий масалаларга йўналтиради. "Сокий", "сокий", "эй, сокий", "кетур, сокий", "аё, сокий" чорловларидаги риторик оҳанг. ўтири пифос ва кескин мурожаат ўқувчини сергаклантиради, дикхатини муйини нутхага жамалашга чиради<sup>14</sup>. Жумладан, Мискин сокийномасида сокийга мурожаат "бие, сокий" – "аё, сокий" шаклида берилган бўллиб, "сокий" мурожаати оркали иттимос, ялиниш, илтиҳо каби мальялар ҳам ифодаланган.

Хуласа. XIX асрнинг ихкинчи ярми Буҳоро адабий мухитидан балий ижод билан шуғулланган истебодли шоира Мислихабегим Мискиннинг мунтоз назмнинг бирмуният камёб ҳаҷари- сокийномада ижод этганлиги унинг шоирлик истебоди юқсанлигидан дараж беради. Негаки, "сокий", "май" сингари тымсолларидан ижодий фойдаланиши аёл ижодкор учун мухим балийи қашфийлар яратишни талаб этади.

Шоирнинг таҳлилга тортганимиз сокийномаларини назардан ўтказар эканмиз, уларнинг аксариётидаги ижоний-ирфоний гоҳиринг ётакчилик килиши у ўзига етган широт-шаронт ва адабий мухит билан ишончнан ёлан, шоира ишор ўзубабшарий гоҳирин тарғиб килишига ишингизнинг имимхи кийин ўзас. Дувенин имтиҳир, ҳаётга бўлгани юқсак зяв, за иштиёқ, ноёб ижоний фаннилизмга давлат, ҳаётни нурсиз китубчи ижтимоига шифратсанлик, шу билан берта ҳаётсварлик гоҳири наф ўзиний-ирфоний пародияга ўралган ҳолда ўқувчига таъдиим этилади.

Мислихабегим Мискин кодирларин мальянни мероснинг ҳаётбаси руҳи замон ва замонандозар мальянни олмога камоянгичлиги ҳам ани ўзубабшарий гоҳирида рашин намоён бўлади.

<sup>12</sup> Адаб Ахмад Юғнажий. Ҳибатул ҳақойик.-Тошкент.: "Ақамдемоншар", 2019.15-б.

<sup>13</sup> Асадов М. Ўзбек мунтоз адабиётидаги сокийнома (генезиси, тараккиёт босқичлари, поэтик хусусиятлари). Филологик фанлари д-ри... дисс.-Тошкент, 2020. 169-6.

<sup>14</sup> Асадов М. Сокиё жоми тараб тараб келтурки... . <https://kh-davron.uz/kunubxonu/>.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Эшонкулов Ҳ., Содикова Д. Мұспіхабетим Мискин.–Букоро. 2012. 556.
2. Асадов М. Ўзбек мұмтоз адабиётіда сөкйінома (генеоми, таралықты босқычлары, поэтик жүсусылдары). Филология фаннлари д-ри.. дисс. – Тошкент. 2020. –2756.
3. Ҳамзул И. Сөкйінома. Ҳәлт ва шоллук манзуумасы <https://kh-davron.uz/kutubxonasi/>.
4. Сирожиддинов Ш. ва б. Навоийшүүослик. –Тошкент.Академикаш.2020.–576 6.
5. Клюсов А. Динкүш тоқрорлар за рухафас ашыорлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. –2726.
6. Сапит R. Türk edebiyatında sakinnamele ve ısratname. –Ankara: Akçağ yayınları. 1998.– 5.0.
7. Ахмад Яссавий. Ҳизметтәр. –Тошкент. :F. Ғулом номидагы Адабиёт ва санъат национали.1991.– 2566.
8. Алиб Ахмад Юғнамый. Ҳибатул ҳақойқа. – Тошкент: "Ақамделінапп", 2019. –1686.
9. Асадов М. Сөкнә жомы тарб қалтурыни... <https://kh-davron.uz/kutubxonasi/>
10. Rajabboevna A. N. Individualization in education and methods of improving teaching the English language //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – T. 24. – №. 1. – pp. 91-96.
11. Alimova N., Radjabova M. The role and importance of individual education in the system of organization //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – pp. 401-404.

